

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 06/29.10.2021.V.139.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

*Хизматда доирасида фойдаланиш учун
№ ____ нусха*

ДЖУРАКУЛОВ ОЙБЕК КОМИЛЖОНОВИЧ

**ЭТИС-2 ПРЕПАРАТИНИНГ ТУБЕРКУЛЁЗ ҚЎЗГАТУВЧИЛАРИ ВА
БОШҚА ТУР БАКТЕРИЯЛАРГА ҚАРШИ ТАЪСИРИ**

**16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси,микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2025

УЎК.: 619:615.33:616.993.192:616.993.192.2

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по ветеринарным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on veterinary sciences**

Джуракулов Ойбек Комилжонович

ЭТИС-2 препаратининг туберкулёз қўзғатувчилари ва бошқа тур
бактерияларга қарши таъсири.....3

Джуракулов Ойбек Комилжонович

Действие препарата ЭТИС-2 против возбудителя туберкулёза и на других
видов бактерий.....23

Djurakulov Oybek Komiljonovich

The effect of the ETIS-2 drug on tuberculosis pathogens and other types
bacteria.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published woks.....47

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 06/29.10.2021.V.139.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

*Хизматда доирасида фойдаланиш учун
№ ____ нусха*

ДЖУРАКУЛОВ ОЙБЕК КОМИЛЖОНОВИЧ

**ЭТИС-2 ПРЕПАРАТИНИНГ ТУБЕРКУЛЁЗ ҚЎЗГАТУВЧИЛАРИ ВА
БОШҚА ТУР БАКТЕРИЯЛАРГА ҚАРШИ ТАЪСИРИ**

**16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2025

Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2023.3.PhD/V97 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.viti-rasmiy.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мамадуллаев Гулмурод Хамидович
ветеринария фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: Салимов Хаит Салимович
ветеринария фанлари доктори, профессор
Ахмедов Баходир Назарович
ветеринария фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етақчи ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Ветеринария илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 06/29.10.2021.V.139.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «19» 09 соат 14 дақиқа даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 141500, Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Чароғбон МФЙ, Янги Тойлоқ 1 қишлоғи 67 уй. Тел.: (+99866) 666-56-30; факс:(+99866) 666-56-76; e-mail: nivi@vetgov.uz)

Диссертация билан Ветеринария илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4726 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 141500, Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Чароғбон МФЙ, Янги Тойлоқ 1 қишлоғи 67 уй. Тел.: (+99866) 666-56-30; факс:(+99866) 666-56-76; e-mail: nivi@vetgov.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «03» 09 кунни тарқатилди.
(2025 йил «03» 09 дақиқа даги №25-рақамли реестр баённомаси)



Б.А.Элмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, вет.ф.д., профессор.

Ф.С.Пулотов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.ф.д., катта илмий ходим

М.А.Рўзимуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, в.ф.н., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда туберкулёз жаҳон соғлиқни сақлаш соҳасидаги жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, “ҳар йили миллионлаб одамлар туберкулёз билан касалланади ва юз минглаб ўлим ҳолатлари қайд этилади. Антибиотикларга чидамли туберкулёз штаммларининг (МДР-ТБ ва ХДР-ТБ) тарқалиши вазиятни янада мураккаблаштиради, даволаш самарадорлигини пасайтириб, касалликнинг тарқалиш хавфини оширмоқда”¹ шунингдек, “Дунёнинг кўпгина давлатларида бактериял касалликлар кўзгатувчиларининг (туберкулёз, сальмонеллэз, колибактериоз) антибиотикларга нисбатан чидамлилигининг ортиши билан жиддий муоммолар юзага келмоқда”². Шунинг учун қорамоллар орасида туберкулёзнинг эпизоотологиясини ўрганиш ва уларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда бугунги кунда ветеринария соҳасида юқумли касалликлар қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик ривожланишига жиддий тўсиқ бўлиб, иқтисодий зарар етказиш билан бирга, инсон саломатлигига ҳам хавф солмоқда. Хусусан, туберкулёз, салмонеллэз ва колибактериоз кенг тарқалган бўлиб, касалликларнинг диагностикаси, даволаш ва олдини олишда долзарб муаммоларни келтириб чиқармоқда. “Жаҳон ҳайвонлар саломатлиги ташкилоти маълумотларига кўра, туберкулёз чорвачиликда иқтисодий зарар (гўшт ва сут маҳсулотлари камайиши, ҳайвонлар нобуд бўлиши) келтириб чиқаради ва халқаро савдога тўсқинлик қилади”³ ҳамда “Зоонотик касаллик сифатида туберкулёз ҳайвонлардан одамларга юқиши мумкинлиги сабабли жамият саломатлиги учун ҳам хавф туғдиради”⁴. Шу сабабдан ҳайвонлар туберкулёзи бўйича олиб борилаётган ушбу тадқиқотлар долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ветеринария соҳасини ривожлантириш, ҳайвонлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва чорвачилик маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар доирасида туберкулёз, салмонеллэз ва колибактериоз каби хавфли юқумли касалликларга қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Антибиотикларга чидамли бактерияларнинг тарқалиши янги антимикробиял воситаларни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Ушбу диссертация тадқиқоти ЭТИС-2 комплекс препаратининг ветеринария соҳасида туберкулёз, салмонеллэз ва колибактериозга қарши самарадорлигини аниқлаш орқали чорвачиликни ривожлантиришга ва жамият саломатлигини ҳимоя қилишга муҳим ҳисса қўшади. Препаратнинг антимикробиял фаоллигини, таъсир механизмини ва

¹ JSST, Global Tuberculosis Report, 2023

² Otto Karl Reuter, Global Challenges in Infectious Diseases”, 2020, Springer, P.15-20.

³ OIE, Terrestrial Animal Health Code, 2023

⁴ WHO, Global Tuberculosis Report, 2023

антибиотикларга чидамли штаммларга нисбатан самарадорлигини аниқлаш янги авлод дори воситаларини яратиш ва даволаш стратегияларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикасида ветеринария соҳасида юқумли касалликларга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга ўз ҳиссасини қўшади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»⁵ги Фармони ҳамда 2021-йил 3-мартдаги «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5017-сон, 2022-йил 6-июлдаги «2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-307-сон, 2023-йил 24-августдаги «Чорвачиликда идентификация қилиш тизими ва наслчилик соҳасини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-284-сон қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация доирасидаги тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг В. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туберкулёз кўзгатувчисининг маълум бир турдаги ҳайвон организмига эволюцион тараққиёт давомида мослашишига қарамасдан, улар қишлоқ хўжалик, уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳамда паррандаларга ва ҳатто инсон организмига миграция қилиши ҳақида қатор хорижлик олимлар, жумладан Р.Коч, А.Салметте, С.Гуерин, А.С.Де Гроот, М.А.Еспинал, Ҳ.Ҳ.Фох, Ю.К.Вейсфейлер, В.П.Шишков, В.П.Урбан, М.А.Сафин, Н.П.Овдиенко, А.С.Донченко, А.С.Жумаш, А.П.Лысенко, А.Х.Найманов ва бошқалар томонидан кенг кўламда илмий тадқиқотлар олиб борилган ва катта аҳамиятга эга бўлган илмий ва амалий натижаларга эришилган.

Республикамизда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари туберкулёзининг эпизоотологияси, диагностикаси, қарши курашиш борасида, носоғлом фермаларни касалликдан соғломлаштириш бўйича бир неча хил кимёпрофилактика услублари яратилган ва қорамолчилик сут маҳсулот фермаларига жорий этиш бўйича А.Б.Ли, Г.В.Ни, М.Ю.Юнусов, М.Т.Исоқов, Г.Х.Мамадуллаев, З.И.Исмаилов, Р.Ш.Хамрокулов, М.А.Маҳматкулов, М.Ю.Юнусов, Ф.И.Ибодуллаев, О.А.Джураев, В.А.Середкин, Л.Шкарупа, М.А.Рўзимуратов, С.И.Марковалар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилган.

⁵ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «2022-2026 Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida»gi PQ-60-son Farmoni.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ветеринария илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари мавзулари режасининг ҚХА 8-022-2015 «Республикада қорамоллар туберкулёзи эпизоотологиясининг ўзига хос хусусиятлари ва маҳаллий *M.bovis*, *M.tuberculosis* штамmlарининг янги туберкулостатик дориворларга нисбатан сезувчанлигини аниқлаш» (2015–2017-йй.) ва БВ-И-КХ-2018-6 “Комплекс препарат ёрдамида қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бактериал касалликларини даволаш услубини ветеринария амалиётига жорий этиш” (2019) мавзуларидаги илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Республиканинг айрим чорвачилик хўжаликларида қорамоллар туберкулёзи бўйича эпизоотик таҳлил ўтказиш, ЭТИС-2 комплекс препарати билан касалликни кимёпрофилактикаси, қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бактериал этиологияли касалликларига қарши курашиш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Республиканинг айрим вилоятларида қорамоллар туберкулёз инфекциясининг эпизоотик ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

ЭТИС-2 комплекс препаратининг стериллиги, токсик таъсири ва безарарлигини аниқлаш;

M.bovis ва *M.tuberculosis* штамmlарига ЭТИС-2 комплекс препаратининг *in vitro* бактериологик бевосита ва билвосита услубларда таъсирини синовдан ўтказиш;

ЭТИС-2 комплекс препарати билан туберкулёз бўйича носоғлом хўжаликларни соғломлаштириш;

колибактериоз, сальмонеллёз ва пастереллёз касаллик қўзғатувчиларининг ЭТИС-2 комплекс препаратига нисбатан сезувчанлиги ва чидамлилигини *in vitro* синовдан ўтказиш;

колибактериоз ва сальмонеллёз қўзғатувчилари билан алоҳида-алоҳида юктирилган қўйлар организмида ЭТИС-2 комплекс препаратининг даволаш самарадорлиги аниқлаш;

ишлаб чиқариш шароитида ЭТИС-2 комплекс препарати билан қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг респиратор, гинекологик, гипо- ва авитаминозлар профилактикаси, офтальмологик, жарроҳлик касалликларини даволаш ва олдини олиш услубларини ветеринария амалиётига жорий этиш;

ЭТИС-2 комплекс препарати билан қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг турли касалликларини даволашнинг янги услублари ҳамда қорамоллар туберкулёзига қарши курашишнинг муқобил чора тадбирлари” бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятларининг чорвачиликка ихтисослашган хусусий, ёрдамчи ва фермер хўжаликларидаги шартли соғлом ва носоғлом сут маҳсулот

фермаларидаги 1837 бош қорамол, 107 бош майда шохли мол, кимёпрофилактик воситалари ва шунингдек лаборатория тажрибаларида 18 бош майда шохли ҳайвон, 6 бош денгиз чўчқасидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, қорамоллар ва майда шохли молларнинг ички аъзолари, қон ва тўқима ҳужайралари, аллергик реакция кўрсаткичлари, бактериологик текшириш натижасида ажратилган штаммлар, касалликка қарши кураш ва олдини олиш учун кимёпрофилактика тадбирлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда умумқабул қилинган эпизоотологик, клиник, аллергик, микроскопик, культурал, бактериологик, гематологик, патологоанатомик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

2015-2019 йилларда республикадаги чорвачилик хўжаликларида қорамоллар туберкулёзи эпизоотиясининг таҳлили ўтказилган ва туберкулёз бўйича носоғлом пункт фақатгина Тошкент вилоятида қайд этилган;

ЭТИС-2 препаратининг стериллиги, токсик хусусиятга эга эмаслиги, қўллаш дозалари, интервали ва усуллари илмий асосланган;

ЭТИС-2 препаратининг синергетик ва пролонгация хусусиятига эга эканлиги аниқланган;

ЭТИС-2 комплекс препарати билан кимёпрофилактика қилиш орқали қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом хўжаликларни касалликдан соғломлаштириш услуги ишлаб чиқилган;

in vitro услубда колибактериоз, сальмонеллёз ва пастереллёз касаллик кўзгатувчиларининг ЭТИС-2 препаратига нисбатан сезувчанлиги ва чидамлилик даражаси аниқланган;

колибактериоз ва сальмонеллёз касаллик кўзгатувчилари билан юктирилган қўйларда ЭТИС-2 препаратнинг терапевтик самарадорлиги аниқланган;

ЭТИС-2 комплекс препарати билан қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг респиратор, гинекологик, гипо- ва авитаминозлар профилактикаси ҳамда офтальмологик ва жарроҳлик касалликларни даволашнинг янги услублари бўйича тавсиянома ҳамда “Қорамоллар туберкулёзи эпизоотиясининг ўзига хос хусусиятлари ва қарши курашишнинг муқобил чора тадбирлари” бўйича Тизим ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

2019-2024 йиллар даврида Республикада қорамоллар туберкулёзи эпизоотиясининг таҳлили ва унинг ўзига хос хусусиятларига оид латент микробизмга изоҳ берилган;

Тошкент вилояти Кибрай туманидаги “Agro Fresh Production” МЧЖ сут маҳсулот фермасида ЭТИС-2 комплекс препарати билан кимёпрофилактика усули жорий этилгани натижасида 137 бош қорамоллар туберкулёздан профилактика қилинган.

ЭТИС-2 комплекс препарати билан қўйларнинг колибактериоз ва сальмонеллез касалликларини муваффақиятли даволаш учун янги усул ишлаб чиқилган.

ЭТИС-2 комплекс препарати билан қишлоқ хўжалик ҳайвонлари касалликларини даволашда фойдаланиш учун янги услубий тавсия ва “Қорамоллар туберкулёзи эпизоотиясининг ўзига хос хусусиятлари ва қарши курашишнинг муқобил чора тадбирлари” бўйича Тизим ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажрибаларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан илмий таҳлил қилинганлиги, Ветеринария илмий-тадқиқот институти апробация комиссияси томонидан илмий-тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, чоп этилган Тавсиянома ва чора тадбирлар Тизимининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Республиканинг айрим чорвачилик хўжаликларида қорамоллар туберкулёзи эпизоотиясининг ўзига хос хусусиятларига таъриф берилган, маҳаллий воситалардан фойдаланиб патоген туберкулёз микобактериялари, колибактериоз ва сальмонеллез кўзгатувчиларига қарши кимёвий махсус воситалар яратиш назарияси асосида туберкулостатик препаратлар комбинациясидан иборат ЭТИС-2 комплекс препарати яратилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илк бор ЭТИС-2 комплекс препарати билан туберкулёз микобактериялари ва бошқа бактериялар касалликлар кўзгатувчиларига қарши курашиш услуби ишлаб чиқилганлиги, препаратнинг пролонгация ва синергетик хусусияти, бактерицид ва бактериостатик таъсири, патоген касаллик кўзгатувчиларининг препаратга нисбатан чидамлилиги ва сезувчанлиги бўйича маълумотлар олинганлиги ва ветеринария амалиётига илмий асосланган тавсиялар берилганлиги билан ифодаланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ЭТИС-2 препаратининг туберкулёз кўзгатувчилари ва бошқа тур бактерияларга қарши таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

“Қорамоллар туберкулёзи эпизоотиясининг ўзига хос хусусиятлари ва қарши курашишнинг муқобил чора тадбирлари” бўйича Тизим ва “ЭТИС-2 комплекс препарати билан қишлоқ хўжалик ҳайвонлари касалликларини даволаш ва профилактика қилиш бўйича Услубий тавсиянома” тасдиқланган ва Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай, Тошкент ва Чиноз туманлари, Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туман аҳоли ва чорвачилик фермаларидаги қорамолларда жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 06 сентябрдаги №02/23-503-сон маълумотномаси). Натижада қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом хўжаликларни

касалликдан соғломлаштириш ва шартли соғлом қорамолларни туберкулёз касаллигидан талофатсиз асраб қолишга эришилган;

ЭТИС-2 комплекс препарати билан 2356 бош қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг респиратор (бронхит, бронхопневмония, пневмония), гинекологик (эндометрит, метритлар, йўлдош ушланиб қолиши), офталмологик (блефарит, конъюнктивит, кератит, кератоконъюнктивит), жарроҳлик касалликлари (абцесс, флегмона, жарроҳлик операциялари) ва актиномикозларни даволаш ҳамда профилактика қилиш услуги жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 06 сентябрдаги №02/23-503-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини турли бактериал этиологияли ва юқумсиз касалликлардан даволаш самарадорлигини 80-90 фоизгача оширишга эришилган ҳамда соғломлаштириш учун сарф қилинган бир сўм харажатга 12,7 сўм иқтисодий самара олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида, Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг Услубий ва Илмий кенгаш мажлисларида муҳокамадан ўтказилган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 та хорижий, 2 та Республика илмий журналларида нашр этилган. 1 та чора тадбирлар Тизими ва 1 та Услубий тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиёт маълумотларининг таҳлили**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмга бўлинган бўлиб, ушбу бобнинг “Қорамоллар туберкулёзининг ижтимоий ва иқтисодий муаммолари” деб номланган биринчи қисмида касалликнинг таърифи, одамлар ва ҳайвонлар

орасида тарқалганлик даражаси ва унинг оқибатида пайдо бўладиган ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ҳақида баён қилинган. Жумладан, жаҳон бўйича турли регионларда 1945-1993 йиллар даврида ҳар хил уруш конфликтларида 23 миллион ҳарбий хизматчилар ва оддий фуқаролар ҳалок бўлишган, шу давр орасида туберкулёз, малярия ва ОИТС касалликларидан 150 миллион одам (6 баробар кўп) касалланиб вафот этган. Ҳалқаро эпизоотик Бюронинг маълумотига кўра, фақатгина гўшт ва сут маҳсулдорлиги йўқотилиши жиҳатидан қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом бир хўжалик 25 фоизгача иқтисодий зарар кўради. Умумий иқтисодий –ижтимоий зарар эса бундан бир неча баробар юқори кўрсаткични ташкил қилади. 1 йилда жаҳон бўйича қорамоллар туберкулёзидан 2,0 миллион доллар иқтисодий зарар келтирилган экан. “Қорамоллар туберкулёзи эпизоотологиясининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган иккинчи қисмида одамларда туберкулёз пайдо бўлишида *M.tuberculosis*, *M.bovis* ва *M.avium* турлари муҳим этиологик роль ўйнаши ҳақида баён қилинган бўлиб, ҳайвонлар сути ва парранда тухуми одам учун, айниқса болалар саломатлиги учун жиддий хавф туғдириши, янги фермаларда ўз вақтида бинолар ичи ва ташқариси, яйратиш майдонлари ва бошқа объектларни ўз вақтида механик тозаланмаслиги, дезинфекция, дезинсекция тадбирлари ҳамда санитар таъмирланмаслиги оқибатида туберкулёз кўзгатувчисини ташқи муҳитда узоқ вақт сақланишига, диагностик текширишларни тўлиқ таъминланмаслиги пода орасида эпизоотик жараён интенсивлигини кучайишига олиб келади. “Қорамоллар туберкулёзига қарши курашишда кимёпрофилактика услубининг роли” деб номланган қисмида туберкулостатиклар комбинациясидан тузилган препаратлар ёрдамида кимёпрофилактика услубини жорий этиш самарали натижалар бериши таъкидланган. Препаратлар таркибидаги компонентларнинг ўзаро комбинацияси бир модда таъсирини иккинчиси кучайтириши (синергетик) билан бир қаторда узоқ муддатли таъсир (пролонгация) хусусиятига ҳам эга бўлади. Бир қанча вакцина ва кимёпрофилактик услуб ва воситалар тадқиқ қилинганлиги ва жорий этилганлиги натижасида кўплаб қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом хўжаликларни соғломлаштирилганлиги таъкидланган. “Туберкулостатик препаратлар билан бактериал этиологияли касалликларни даволаш мезонлари” деб номланган қисмида комбинацияланган препаратлар алоҳида қўлланиладиган препаратларга нисбатан антибактериал таъсир фаоллиги самаралироқ бўлиши, бундай препаратлар комбинациясини қўлланилишини назорат қилиш бирмунча осон ва доридан захарланиш содир бўлмаслиги, комбинацияланган дориворлар мажмуасини туберкулёз кимёпрофилактикаси ва бошқа тур бактериал этиологияли касалликларни даволаш, олдини олиш ва қарши курашишда самарали ва истиқболли натижалар бериши ҳақида баён қилинган.

Диссертациянинг “**Хусусий тадқиқотлар**” деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар материаллари ва усуллари, тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот ишлари 2018-2023

йиллар давомида ишлаб чиқариш шароитида Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай, Тошкент ва Чиноз туманлари, Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туман аҳоли ва чорвачилик фермаларида ўтказилган. Тадқиқотларнинг экспериментал қисми ВИТИ-нинг Туберкулёз, Микробиология (Н.И.Наврузов) ва Худудий диагностик лабораторияларида (Р.А.Исматова) ўтказилган. Шунингдек, туберкулёз штамлари бўйича бактериологик тадқиқотлар Самарқанд вилоят фтизиатрия ва пульмонология марказининг Минтақалараро бактериологик лабораторияси билан ҳамкорликда ўтказилган (А.Т.Тўхлиев).

Чорвачилик хўжаликларида қорамоллар туберкулёзи бўйича эпизоотик вазият таҳлили хўжалик юритиш технологиясини ҳисобга олган ҳолда ветеринария статистик ва хусусий тадқиқотлар натижалари бўйича ўрганилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотларнинг натижалари”** деб номланган учинчи бобида “Республиканинг айрим вилоятларида қорамоллар туберкулёзи эпизоотиясининг ўзига хос хусусиятлари ва қарши курашиш чора тадбирлари” номли параграфда қорамоллар туберкулёзи бўйича ўтказилган хусусий ва ветеринария статистик маълумотлар таҳлили баён қилинган. Тадқиқотлар Тошкент, Андижон ва Фарғона вилоятларининг чорвачилик хўжаликларида олиб борилган ва эпизоотик таҳлил қилинган. Эпизоотик таҳлил натижасига кўра, эски фермаларда қорамоллар орасида ППД туберкулинга даврий равишда аллергик реакция берувчи қорамоллар аниқланиб турилган. Шунинг учун фермаларда туберкулёз инфекцияси йўқлигини кафолатлаб бўлмаслигини инобатга олиб, доимий эпизоотик чора тадбирларга эътибор қаратилган. Тошкент вилоят Зангиота тумани “Чиғатой Оқтепа” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Milk Agro” МЧЖ чорвачилик фермаси, Қибрай тумани “Halol Baraka Nur” ф/х сут товар фермаси (570 бош насли қизил ола рангли Флэг Флу линияси гўшт-сут йўналишидаги зотли) эпизоотик ва клиник текширувлар ўтказилди. Тадқиқотлар натижасида ҳар икки хўжалик фермаси қорамоллар туберкулёзи бўйича соғлом эканлиги аниқланган.

Тошкент вилоят Юқори Чирчиқ туманида жойлашган “Kamoliddin-Davron” ф/х чорвачилик фермасига 2014 йил 2-чи чорагида қорамоллар туберкулёзи бўйича карантин кўйилган. 184 бош қорамолдан 12-сида туберкулёзга аллергик реакция аниқланган ва туберкулёз тасдиқланган. Касал қорамоллар бартараф қилинган. Йил давомида хўжалик фермасида соғломлаштириш тадбирлари ўтказилган. Вилоятнинг Қуйичирчиқ туманидаги “Quyichirchiq sut bulog'i” МЧЖ га қаршли сут товар фермасида эпизоотик ва клиник текширувлар ўтказилган. МЧЖ да 2-та қорамолчилик фермаси мавжуд бўлиб, 1300-дан ортиқ қорамол боқилмоқда. Сут соғиш бир кунда 9000-9500 литрни ташкил қилади, ўртача сут маҳсулдорлиги 16-18 литр. Мазкур хўжалик фермасида аллергик туберкулинизация ўтказилган. Хўжалик фермасида қорамоллар туберкулёзига қарши кураш ва олдини олиш

бўйича институт ва хўжалик ўртасида шартнома тузилган ва соғломлаштириш тадбирлари ўтказилган.

Тошкент вилоят Қибрай тумани “Zafarobod” қ.ф.й. Жомий М.Ф.Й. худудида жойлашган ЎзҚҚЎЧМ (Ўзбекистон Қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар) комбинати ёрдамчи хўжалиги чорвачилик фермасида қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом ҳисобланиб, чеклов қўйилган. Жами 14 бош қорамолда туберкулёз аниқланган. Фермада соғломлаштириш муддатларини қисқартириш мақсадида “Ҳайвонлар туберкулёзига қарши ЭТИС-2 препаратини қўллаш” услуги жорий этилиб, хўжалик фермаси 9 ой ичида туберкулёздан соғломлаштирилган.

Эпизоотик текширишлар Фарғона вилояти Фарғона туманида жойлашган “Yordon” ф/х сут маҳсулот фермаси ва институт ўртасида (2018-й.) ветеринария соҳасида илмий амалий ёрдам кўрсатиш бўйича 1 йил муддатли шартнома асосида хўжалик фермасида эпизоотик, клиник ва аллергия текширишлар ўтказилган. Фермада насли Голштин-Фриз зотли жами 265 бош қорамол мавжуд бўлиб, шундан 52 бош соғин сизир, 18 бош ғунажин, 2 бош 16-18 ой ёшдаги насли буқа ва 83 бош эркак ва урғочи бузоқлар ташкил қилади. Фермада “ЭТИС-2 комплекс препарати ёрдамида ҳайвонлар туберкулёзини кимёпрофилактика услуги” йўриқномага мувофиқ жорий этилган ва хўжалик фермасининг бактериал инфекциялардан соғломлиги таъминланган. Шу тумандаги “Jaloliddin G‘o‘irov” номли ф/х сут маҳсулот фермасида қорамолларни туберкулёзга аллергия текшириш тадбирлари ва эпизоотик ҳолати таҳлил қилинган. ЭТИС-2 суспензияси ёрдамида ҳайвонлар туберкулёзини кимёпрофилактика услугини эпизоотик ҳолат мураккаблик даражасига кўра йўриқномага мувофиқ тадбиқ этилган ва туберкулёз инфекцияси пайдо бўлиши ва тарқалишининг олди олинган.

Қорамоллар туберкулёзи бўйича эпизоотик вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилиш Андижон вилоятида давом эттирилиб, бир йилда вилоят давлат ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасининг эпизоотияга қарши курашиш тадбирлар режаси бўйича 61061 бош қорамолни (2016-2018-й.) туберкулёзга аллергия услубда текшириш режалаштирилган бўлиб, йил давомида ветеринария мутахассислари томонидан фермер хўжаликлари қармоғидаги 18428 бош ва аҳоли шахсий хўжаликлари қармоғидаги 42633 бош қорамоллар туберкулинизация қилинган. Аллергия туберкулинизацияда бирорта ҳам қорамолда туберкулинга ижобий аллергия реакция аниқланмаган.

2015-2022 йиллар даврида Республикада қорамоллар туберкулёзи бўйича Тошкент вилоятининг Бўка ва Қибрай туманларида 2 та сут товар фермасида қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом пункт қайд этилган. Қолган вилоятлар ва Қорақолпоғистон Республикасида туберкулёз аниқланмаган.

Тошкент вилоятида бир йилда эпизоотияга қарши чора тадбирлар жараёнида 5700 бош қорамол туберкулёзга аллергия текширилган. Шундан бирламчи текширувда 4492 бош ва иккиламчи текширувда 1208 бош қорамол

туберкулинизация қилинган. Бирламчи текширувларда жамоа хўжаликларидан 541, наслчилик хўжаликларидан 2034, фермер хўжаликларидан 1140 ва аҳоли қарамоғидаги қорамоллардан 777 бош ҳайвон аллергик текширилган. Иккиламчи текширувда жамоа хўжаликларидан 501, наслчилик хўжаликларидан 311, фермер хўжаликларидан 329 бош қорамол туберкулинизация қилинган ва қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом пункт аниқланмаган.

Вилоятининг Бўка тумани “УЯ 64/38” ёрдамчи хўжалигида мавжуд барча қорамоллар туберкулёзга аллергик текширилганда 9 бош қорамолда ППД туберкулинга ижобий аллергик реакция қайд этилган. Касалликка ижобий реакция берган 7 бош қорамол вилоят ва туман ветеринария мутахассислари назорати остида комиссия сўйилган ва қорамоллар патологоанатомик ёрилганда ички-аъзоларида туберкулёзга хос патологик ўзгаришлар аниқланган ва Бўка тумани ҳокими қарори (№1020) билан чеклов эълон қилинган.

Қорақолпоғистон Республикасида 955000 қорамол (2018-й.) мавжуд бўлиб, шундан 280000 бошни сигирлар ташкил қилади. 100000 бош қорамол туберкулёзга аллергик текширилган. Текшириш натижасида қорамолчилик фермаларида туберкулёз аниқланмаган.

Тошкент вилоятида диагностик, профилактик ва қарши кураш тадбирлари яхши йўлга қўйилганлиги эътиборга молик. Туберкулин диагностикаси танқислигига қарамасдан 2017 йилда вилоят бўйича 64651 бош қорамол туберкулёзга аллергик текширилган. Аллергик текширишларда Бўстонлик тумани “Таууотловчи” номли ф/х-да 220 бош қорамол орасидан 3 бошида туберкулёз аниқланган ва хўжаликка 2017 йилнинг 12 июлида карантин-чеклов ўрнатилган. Касаллик аниқланган қорамоллар бартараф қилинган ва хўжалик фермаси туберкулёздан соғломлаштирилган.

ЭТИС-2 комплекс препарати билан қорамоллар туберкулёзини кимёпрофилактика қилиш услубининг самарадорлигини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш тадбирлари Тошкент вилоят Қибрай туман “Agro Fresh Production” МЧЖ сут товар фермасида ўтказилган. Эпизоотик маълумотлар таҳлилига кўра, Қибрай туман “Agro Fresh Production” МЧЖ сут товар фермасида 2018-2019 йиллар даврида қорамоллар орасида туберкулёз аниқланган ва санитария усулида касалликдан соғломлаштириш чора тадбирлари ўтказилган. Касал қорамоллар амалдаги йўриқномага мувофиқ бартараф қилинган ва фермада санация ўтказилган. Лекин, кейинги текширишларда фермада туберкулинга реакция берувчи қорамоллар доимий ажратилиб турилган ва соғломлаштириш муддати чўзилиб кетган. Шунинг учун фермани туберкулёздан тўлиқ ва қисқа муддатларда соғломлаштириш учун ЭТИС-2 комплекс препарати ёрдамида қорамоллар туберкулёзини кимёпрофилактика қилиш услуби тадбиқ этилган ва қисқа муддатларда хўжалик фермаси туберкулёздан соғломлаштирилган.

Мазкур хўжаликда ЭТИС-2 препарати ёрдамида кимёпрофилактика қилиш услубининг иқтисодий самарадорлиги («Методика определения

экономической эффективности ветеринарных мероприятий. М.,1982 г. Стр.33)» услубий тавсияномага мувофиқ қўйидагича ҳисобланди.

“Agro Fresh Production” МЧЖ сўт товар фермасида жами 145 бош қорамолдан иборат сўт товар фермасида 8 бош қорамолда туберкулёз аниқланган.

Мазкур “Йўриқнома” бўйича инфекциядан соғломлаштириш учун 1 бош сигирга 4.410.000 сўм сарфланган.

ЭТИС-2 комплекс препарати ёрдамида 1 бош қорамолни 1 курс (120 кун) кимёпрофилактика қилиш учун 72000 сўм сарфланади.

Умумий соғломлаштириш учун 1 бош сигирга харажат $4.410.000 + 72000 = 4482000$ сўм.

Кутиладиган иқтисодий зарарнинг олди олинишидан олинган иқтисодий самарадорлик $-I_c$, қўйидагича ҳисобланади:

$$I_c = 137 \text{ бош} \times 0,1 \times 4410000 = 60417000 \text{ сўм}$$

(0,1 – туберкулёз билан зарарланиш коэффициентини);

$$\text{Жами иқтисодий самарадорлик: } 60417000 - 4410000 = 56007000 \text{ сўм};$$

$$\text{Сарфланган 1 сўмни қопланиши } 56007000 : 4410000 = 12,7 \text{ сўм};$$

Сарфланган 1 сўмга 12,7 сўм иқтисодий самарадорлик олинган (ВИТИ Владимир Александрович Серёдкин, иқт. фан. номзоди ва ВИЭВ)

Шундай қилиб, эпизоотик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, касаллик бутун дунёда ва шу жумладан Республикамизда ҳам қийин вазиятни келтириб чиқариши мумкин ва унинг ечимини топиш ҳозирги кунда олим ва мутахассислар олдида энг фаол муамолардан бири бўлиб қолмоқда.

Диссертациянинг “**Бактериал касалликлар қўзғатувчиларига ЭТИС-2 комплекс препаратининг таъсири**” номли параграфида ЭТИС-2 комплекс препаратининг стериллиги сунъий электив гўшт-пептон агар ($5-6 \text{ см}^2$) ва гўшт пептон бульонли (100 см^2) озиқа муҳитларига 5 тадан намунага $1-1,5 \text{ см}^2$ миқдорда препарат намунаси экилган ва термостатда $+37^\circ\text{C}$ ҳароратда 10 кун давомида инкубацияда сақланган. Кузатув даврида электив озиқа муҳитларида, пробирка ва қолбачаларда ёт микрофлора ўсмаган ва препаратнинг стериллиги аниқланган.

ЭТИС-2 комплекс препаратининг ҳайвон организмига токсик таъсирини аниқлаш учун 3 бошдан 2 гуруҳга тақсимланган соғлом денгиз чўчқалари ва қуёнлар организмида тадқиқот ўтказилган. Бунинг учун 3 дона денгиз чўчқасига 1 мл., қолган учтасига 2 мл. дозада препарат тери остидан инъекция қилинган. 3 дона қуёнга 3 мл ва қолган учтасига 5 мл. дозада препарат тери остига инъекция қилинган. Таҷриба ҳайвонлари 10 давомида кузатувда сақланган. 10 кунлик кузатув даврида препарат томонидан ҳайвонлар организмига ҳеч қандай патологик тавсифли номутаносиб клиник белги кузатилмаган ва препаратнинг токсик таъсирга эга эмаслиги аниқланган (1-жадвал).

ЭТИС-2 комплекс препаратининг токсик таъсирини аниқлаш

№	Хайвон тури	Бош сони	Препарат миқдори, мл	Иньекция сони	Кузатув муддати, кун	Токсик таъсири
1	Денгиз чўчқаси	3	1,0	3	10	Йўқ
2	Денгиз чўчқаси	3	2,0	3	10	Йўқ
3	Қуёнлар	3	3,0	3	10	Йўқ
4	Қуёнлар	3	5,0	3	10	Йўқ

ЭТИС-2 комплекс препаратининг безарарлигини аниқлаш учун 3 бош денгиз чўчқасига тери остидан 1,0 млдан препарат инъекция қилинган. Препарат юборилган хайвонлар 42-45 кун кузатувда сақланган. Кузатув муддати тугагач денгиз чўчқалари патологоанатомик ёриб, ички аъзолари патологоанатомик ва бактериологик текширилган. Тадқиқотлар натижасида ЭТИС-2 комплекс препарати таъриба хайвонлари организмига ҳеч қандай патологик таъсир кўрсатмаган, озиқа муҳитларида ёт микрофлора ўсмаган ва препаратнинг безарарлиги аниқланган.

“Билвосита ва бевосита бактериологик услубларда ЭТИС-2 комплекс препаратининг туберкулёз кўзғатувчиларига таъсири” ни аниқлаш учун *билвосита услубда M.bovis 8-03* ва *M.tuberculosis №7880* штаммлари 5,0 ва 10,0 мкг/мл ЭТИС-2 комплекс препарати кўшилган Левенштейн-Йенсен озиқа муҳитига пробиркаларга қайта кўчириб экилган. Экилган пробиркалар +37⁰С ҳароратда термостатда 14-20 кун давомида инкубацияда сақланган. 5,0 ва 10,0 мкг/мл ЭТИС-2 комплекс препарати кўшилган озиқа муҳитида *M.bovis 8-03* ва *M.tuberculosis* штаммлари ўсмаган ва мазкур препарат концентрацияси туберкулёз штаммларига самарали бактерицид таъсир кўрсатганлиги аниқланган. *Бевосита услубда M.bovis 8-03* ва *M.tuberculosis №7880* штаммлари 5,0 ва 10,0 мкг/мл ЭТИС-2 комплекс препарати билан ишлов берилгандан сўнг +37⁰С ҳароратда термостатда сақланган. Сўнгра пробиркалардага туберкулёз штаммлари физиологик эритма ёрдамида препарат қолдиқларидан центрифуга ёрдамида ювиб олиниб, пробиркаларга экилган. Препарат билан ишлов берилгандан сўнг пробиркаларга экилган туберкулёз бактериал массаси озиқа муҳитида (пробиркаларда) ўсмаган. ЭТИС-2 комплекс препарати *M.bovis 8-03* ва *M.tuberculosis* штаммларига фаол антибактериал таъсир кўрсатган. Ҳар икки хил услубда ҳам назорат сифатида препарат билан ишлов берилмасдан озиқа муҳитларига экилган намуналарда типик туберкулёз колониялари ҳосил бўлган.

“Бактериал касалликлар кўзғатувчиларининг ЭТИС-2 комплекс препаратига нисбатан сезувчанлиги ва чидамлилиги” параграфиди ВИТИ Микробиология лабораториясида тайёрланган антибиотик дисклардан фойдаланилган. ЭТИС-2 комплекс препаратининг колибактериоз


қўзғатувчисига қарши антибактериал фаоллиги бошқа тур антибиотиклар билан солиштира равишда қиёсий тадқиқ қилинган.

E.coli қўзғатувчиси 3 хил турдаги - Энрофлан, Нитокс, Дитрим антибиотикларига ва ЭТИС-2 комплекс препарати суспензияларига нисбатан сезувчанлиги *Endo агар*да диск диффузия усули билан аниқланган. Тадқиқотлар натижасида ЭТИС-2 комплекс препаратининг 1:10 ва 1:50 концентрациясига колибактериоз касаллик қўзғатувчиси сезувчан эканлиги, препаратнинг асосий концентрацияси эса кучли бактерицид таъсир кўрсатганлиги маълум бўлган. ЭТИС-2 препаратининг бактерицидлиги Энрофлан, Нитокс ва Дитрим антибиотикларига нисбатан фаолроқ эканлиги аниқланган (1-расм).



1–расм. *Endo агар* озиқа муҳитида ўсган колибактериоз қўзғатувчисининг антибактериал препаратларга сезувчанлиги

“Сальмонеллез қўзғатувчисининг ЭТИС-2 комплекс препаратига нисбатан сезувчанлиги ва чидамлилиги” ни аниқлаш учун *S.enteritidis* қўзғатувчисининг 3 хил турдаги антибиотикларга нисбатан сезувчанлиги ва чидамлилиги - Энрофлан, Нитокс, Дитрим ва ЭТИС-2 комплекс препарати суспензияларини *Salmonella Shigella*, *Bismuth Sulphite* ва *Blood agar base (Infusion agar base)* агарларида диск диффузия усули билан аниқланган (2-расм).




2-расм. *Bismuth Sulphite Агар* озиқа муҳитида ўсган *Salmonella* қўзғатувчиларининг ЭТИС-2 ва бошқа антибиотикларга сезувчанлиги

Натижада ЭТИС-2 комплекс препаратининг 1:10 концентрациясига сальмонеллэз касаллик кўзгатувчиси сезувчан эканлиги, препаратнинг асосий концентрацияси эса касаллик кўзгатувчисига кучли бактерицид таъсир қилганлиги маълум бўлди. ЭТИС-2 препаратининг бактерицид фаоллиги Энрофлан ва Нитокс ва Дитрим антибиотикларига нисбатан фаолроқ эканлиги аниқланган.

